

11-01/50-son

5 iyun 2024 yil.

"ТАСДИҚЛАЙМАН"



Вилоят ҳокими

Н.Т.Турсунов

Вилоят ҳокимлигининг "Ҳоким соати" йиғилиши
БАЁНИ

2024 йил 3 июнь

Навоий шаҳри

Раислик қилувчи: **Н.Турсунов** - вилоят ҳокими

Қатнашдилар: Вилоят ҳокими ўринбосарлари, гуруҳ раҳбарлари, котибият мудирлари, вилоят, шаҳар, туман сектор раҳбарлари, шаҳар, туман ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, сектор раҳбарлари, кун тартибидаги масалаларга алоқадор ташкилот ва муассаса раҳбарлари (рўйхат бўйича)

К У Н Т А Р Т И Б И:

1. Ижро интизомини мустаҳкамлаш (олдинги аппарат йиғилишида берилган топшириқлар, edo.ijro.uz платформасидаги назоратдаги ҳужжатлар, Президентнинг виртуал ва халқ қабулхоналарига йўлланган мурожаатлар ижроси);

2. Навоий вилояти аҳолисининг ижтимоий фаровонлигини яхшилаш ҳамда фуқаролар томонидан кўтарилаётган ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш ва жамоатчилик билан ишлаш бўйича ўтказилган ўрганиш натижалари тўғрисида;

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 майдаги 345-сонли фармойишига асосан, жорий йил июнь ойида "Ёшлар ойлиги"ни ўтказиш, унинг доирасида "Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!" шиори остида маънавий-маърифий ва спорт тадбирлари, ёшлар фестиваллари ва форумларини "маҳалла-туман (шаҳар)-вилоят-республика" даражасида ташкил этиш тўғрисидаги топшириқлар ижросини ташкиллаштириш бўйича;

4. Худудий экспорт прогнозининг 5 ойлик ижроси ва 1-ярим йилликда кутилаётган натижалар тўғрисида шаҳар, туман ҳокимлари, сектор раҳбарлари ва масъулларнинг ҳисоботи;

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2024 йил 24 майдаги “Навоий вилояти маҳаллий бюджетини ташқи аудит ва баҳолаш натижалари тўғрисида”ги 01-587-сонли топшириқ хатининг ижроси тўғрисида;

6. Бошқа масалалар (аҳоли бандлигини таъминлаш, ахборот хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш, республика ишчи гуруҳининг ўрганиш натижалари).

(Н.Турсунов, Р.Сулаймонов, Э.Камолов, Э.Ғаффоров, Ж.Ходжаев, Х.Пардаев, Ш.Сиддиқов, Қ.Ражабов, О.Зарипов, У.Баҳромов, Н.Сафоев, Р.Ҳайитова, Д.Эргашев, Н.Рахманов, У.Адилов, Б.Бобомуродов, А.Файзиев, Н.Турсунов)

Йиғилишда ижро интизомини мустаҳкамлаш ҳамда "edo.ijro.uz" электрон тизими орқали назоратга олинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ижросини ўз вақтида ва сифатли қилиб бажарилиши муҳокама қилинди.

Хусусан, вилоят ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**)га 2024 йил 3 июнь куни ўтказилган “Ҳоким соати” йиғилишида сабабсиз иштирок этмаган Ипакчилик ва жун саноати ривожлантириш қўмитасининг вилоят бошқармаси бошлиғи **Т.Адилов**, Агроинспекциянинг Навоий вилояти бошқармаси бошлиғи в.в.б. **Ф.Убайдуллаев** ва Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги НС ваЭБ бошлиғи **Ж.Назаровдан**, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йилнинг 25 ноябрида Навоий вилоятига ташрифи яқунлари бўйича тасдиқланган 77-сонли йиғилиш баёни билан тасдиқланган “йўл харитаси”нинг 7-банди топшириқлари ижроси таъминланмаганлиги учун Қизилтепа тумани ҳокими **Б.Бобомуродов** ва ҳокимнинг биринчи ўринбосари **Н.Ҳайитовдан**, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 июлдаги “Жамоат транспорти тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 316-сонли қарорининг ижроси таъминланмаганлиги учун вилоят ҳокими ўринбосари **Э.Камолов** ва вилоят транспорт бошқармаси бошлиғи **Б.Рахимовдан**, Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2024 йил 29 март куни ўтказилган 22-сонли йиғилиш баёни 25-бандида берилган топшириқ ижроси таъминланмаганлиги учун вилоят ҳокими ўринбосари **Э.Ғаффоровдан**, Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2024 йил 20 февраль куни ўтказилган 12-сонли йиғилиш баёни 54-бандида берилган топшириқ ижроси таъминланмаганлиги учун Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг вилоят бошқармаси бошлиғи **Қ.Ражабовдан** “**Тушунтириш хати**”ни олиб бир кун муддатда киритиш вазифаси юклатилди.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**)га ҳар ҳафта **жума куни** вилоят ҳокими ўринбосарлари, таркибий бўлинма раҳбарлари ва тегишли ташкилот раҳбарлари билан биргаликда ижро интизомини мустаҳкамлаш, edo.ijro.uz электрон тизими орқали келиб тушган назоратдаги

ҳужжатлар ижросини муҳокама қилиб, зарурий чора-тадбирлар кўриб бориш ҳамда амалга оширилган ишлар тўғрисида **ҳар ҳафтанинг шанба кuni** вилоят ҳокимиغا Ижро интизоми назорати бўлими (**Намозов**) билан биргаликда ҳисобот киритиб бориш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шунингдек йиғилиш кун тартибида Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал ва Халқ қабулхоналарига йўлланган мурожаатларнинг ижобий ҳал қилиш даражаси 2023 йилнинг мос даврига нисбатан Зарафшон, Навоий шаҳарлари ва Хатирчи, Конимех, Навбаҳор, Томди туманларида пасайганлиги ҳамда Навоий, Зарафшон, Ғозғон шаҳарлари ва Кармана, Қизилтепа, Нурота, Учқудуқ туманларида мурожаатлар сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ошганлиги кўрсатиб ўтилиб, туман (шаҳар) ҳокимларига сектор раҳбарлари билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** тушунтириш бериш орқали назоратдан ечилган мурожаатларни кўриб чиқиб, ижобий ҳал этиш чораларини кўриб, натижаси бўйича ахборот киритишлари белгилаб қўйилди.

Вилоят ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**)га бир кун муддатда Навбаҳор тумани “Навбаҳор” маҳалласида яшовчи фуқаро Д.Нишонова ва Навоий шаҳри “Мустақиллик” маҳалласи И.Каримов кўчаси 150-уй, 41-хонадонда яшовчи фуқаро Д.Юсупованинг мурожаатига ўз вақтида жавоб қайтарилмаганлиги, ижро интизомига риоя этилмаганлиги учун Ёшлар ишлари агентлигининг Навбаҳор тумани бўлими бошлиғи **З.Абдиев** ва Навоий шаҳар камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими бошлиғи **О.Раҳматовдан “Тушунтириш хатлари”**ни олиш вазифаси юклатилди.

Бундан ташқари, йиғилиш кун тартибида шаҳар ва туман ҳокимликлари, сектор раҳбарлари, вилоят ташкилот ва муассаса раҳбарларининг аҳолининг ижтимоий фаровонлигини яхшилаш, фуқаролар мурожаатлари билан шуғулланиш ва жамоатчилик билан ишлаш борасида олиб бораётган ишлари қониқарсиз эканлиги кўрсатиб ўтилди.

Хусусан, Навоий, Зарафшон шаҳарлари, Хатирчи, Учқудуқ, Кармана туманларида аҳоли мурожаатлари ва фуқароларнинг муаммоларини жойларда ҳал этиш бўйича олиб бораётган ишлари қониқарсиз эканлиги сабабли ушбу ҳудудлардаги аҳоли томонидан такрорий мурожаатлар кўпайганлиги, Ғозғон, Зарафшон шаҳарлари ва Хатирчи тумани 1-сектор раҳбарлари, Зарафшон шаҳри, Томди ва Кармана туманлари 2-сектор раҳбарлари, Навоий, Зарафшон шаҳарлари ва Томди тумани 3-сектор раҳбарлари ҳамда Ғозғон шаҳри, Томди ва Қизилтепа туманлари 4-сектор раҳбарларининг аҳоли мурожаатлари ва жамоатчилик шикоятлари билан ишлаш аҳволи ёмон эканлиги барча масъулларга ўқиб эшиттирилди.

Вилоятда аҳолининг ижтимоий фаровонлигини яхшилаш ҳамда фуқаролар томонидан кўтарилаётган ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш юзасидан вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Р.Сулаймонов

ҳамда Ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари Ж.Бобомуродовга **“Йўл харитаси”** ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун киритиш вазифалари юклатилди.

Шунингдек, вилоят ҳокими ўринбосари (Ходжаев)га Ёшлар ишлари агентлигининг вилоят бошқармаси (Баҳромов), вилоят мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси (Ҳайитова), вилоят олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси (Тўхтаев), вилоят ички ишлар бошқармаси (Тасбаев) билан биргаликда бир кун муддатда ёшлар ўртасида криминоген вазиятни таҳлил қилиб, келиб чиқиш сабабларини барвақт олдини олиш бўйича **“Чора-тадбирлар режаси”**ни ишлаб чиқиш юзасидан вазифалар белгилаб берилди.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Сулаймонов) вилоят камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси (Хайруллаев) билан биргаликда бир кун муддатда Навоий шаҳар, Хатирчи ва Қизилтепа туманларидаги вазиятни ўрганиб, аҳоли бандлигини таъминлаш муаммоларини ҳал этиш бўйича **“Манзилли дастур”** ишлаб чиқиб тасдиқлаш учун киритиш топшириғи берилди.

Бундан ташқари, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Сулаймонов), вилоят камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси (Хайруллаев), вилоят сектор раҳбарлари (Мирзаев, Тасбаев, Назаров), туман (шаҳар) ҳокимларига аҳолини бандлик бўйича мурожаатларини камайтириш, ишсизликни олдини олиш мақсадида, бандлик дастурига мувофиқ аҳоли бандлигини таъминлаш режасини ойма-ой бажарилишини таъминлаш, вилоятни **“Ишсизликдан ҳоли ҳудуд”**га айлантириш бўйича берилган топшириқлар ижросини тўлиқ ва ҳаққоний таъминлаш, ишсизлик юқори бўлган ҳудудларга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, бандлик масаласи бўйича мурожаатлар билан алоҳида шуғулланиш, ҳудудий инвестиция дастурлари, хизматлар, қишлоқ хўжалиги тармоқларидаги лойиҳаларни ишга тушириш, янги кичик бизнес субъектларини ташкил этиш ва бошқа имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича манзилли ишларни ташкиллаштириш, бўш иш ўринларига ишга жойлаштириш ҳамда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиш бўйича меҳнат ярмаркаларини ташкил этиб бориш, банд бўлмаган шахслар ва ёшларни амалий мономарказ, давлат ва нодавлат таълим муассасаларида касб-ҳунар, хорижий тиллар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш орқали уларнинг бандлигига кўмаклашиш вазифалари белгилаб берилди.

Йиғилишда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 майдаги 345-сонли фармойишига асосан, жорий йил июнь ойида **“Ёшлар ойлиги”**ни ўтказиш, унинг доирасида **“Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!”** шиори остида маънавий-маърифий ва спорт тадбирлари, ёшлар фестиваллари ва форумларини **“маҳалла-туман (шаҳар)-вилоят-**

республика” даражасида ташкил этиш тўғрисидаги масалаларга ҳам тўхталди.

Бунда, топшириқларни барча даражадаги масъулларга ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликларига етказилиши бўйича вилоят ҳокими ўринбосари **Ж.Ходжаевга** топшириқлар берилди.

Шундан келиб чиқиб, жорий йил июнь ойида “Ёшлар ойлиги”ни ўтказиш, унинг доирасида “Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!” шиори остида вилоятда ёшлар сайиллари ва маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Бундан ташқари, йиғилишда ҳудудий экспорт прогнозининг ижросига ҳам тўхталиб ўтилди.

Хусусан, жорий йилнинг январь-май ойларида 88,2 млн. долларлик экспорт амалга оширилиб, ўтган йилга нисбатан ўсиш 148 фоизни ташкил этган бўлсада, ҳудуд раҳбарларининг прогнозни бажаришда йўл қўйган камчиликлари сабабли, вилоятнинг экспорт режаси 70 фоизга (125,7 млн. доллар) бажарилганлиги кескин танқид қилинди.

Жумладан, Зарафшон шаҳар ҳокимлигига жорий йилда белгиланган экспорт режасини таъминлашда энг орқада эканлиги ва бу борада зарурий-чора-тадбирлар кўрилмаганлиги кўрсатиб ўтилиб, ушбу масалада ҳудуд масъулларидан “тушунтириш хати”ни олиш белгиланди.

Йиғилиш кун тартибидан, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2024 йил 24 майдаги 01-587-сонли ҳисоботи ўқиб эшиттирилди.

Шу билан бирга, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Сулаймонов)га вилоят иқтисодиёт ва молия бошқармаси (Бобоқулов) билан биргаликда бир кун муддатда ҳисоботда кўрсатиб ўтилган камчиликлар бўйича **чора-тадбирлар режасини** ишлаб чиқиш ҳамда бир ой муддатда чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаб, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига маълумот киритиши белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, вилоят солиқ бошқармаси бошлиғи С.Назаровга туман (шаҳар) солиқ инспекциялари билан чораклар бўйича даромадлар прогнозини ортиқча тўловлар ҳисобига бажарилишининг олдини олиш ҳамда келгусида мазкур ҳолатга йўл қўйган масъулларга нисбатан чоралар кўриб бориши бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда жорий йилнинг 31 май куни аҳоли бандлигини таъминлаш, **“Ишсизликдан ҳоли ҳудуд”**га айлантириш бўйича ўтказилган йиғилишда берилган топшириқлар ижросига ҳам тўхталиб ўтилди.

Хусусан, тегишли раҳбарлар ва сектор раҳбарларини вилоятдаги 330 та маҳаллаларга бириктириб, аниқ вазифа ва топшириқлар белгилаб берилган

бўлсада, айрим раҳбарлар томонидан етарли ишлар ташкил этилмаганлиги қайд этиб ўтилди.

Жумладан, масъулларга маҳаллага тушиб, ишсизлар рўйхатини олиб, улар билан учрашиш ва бандлигига кўмаклашиш учун зарурий чора-тадбирларни кўриш ҳамда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, барча даражадаги масъулларга тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Шунингдек йиғилишда, ахборот хизматлари ходимларининг фаолият самарадорлигини ошириш масаласи муҳокама қилиниб, 2024 йил I чораги учун мўлжалланган пресс-тадбирлар ўтказилиши юзасидан Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ва Навоий вилояти ҳокимлиги томонидан 2023 йилнинг 20 декабрида тасдиқланган медиа-режа ижроси юзасидан вилоят ҳокимининг барча ўринбосарлари ўз йўналишларида брифинг беришлари бўйича белгиланган вазифалар бажарилмаганлиги, бунинг натижасида, вилоят ҳокимлиги Ахборот хизматини баҳолаш жараёнида қониқарсиз баҳоланганлиги ўқиб эшиттирилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги ПҚ-4366-сонли қарорига кўра, ахборот хизматлари раҳбарлари бир вақтнинг ўзида давлат органи ва ташкилоти раҳбарининг матбуот котиби, ахборот сиёсати масалалари бўйича раҳбарнинг маслаҳатчиси мақомига эга эканлиги ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шартларига кўра давлат органи ва ташкилоти раҳбарининг ўринбосарига тенглаштирилганлиги алоҳида қайд этилиб, қарор ижроси бўйича Навоий, Зарафшон, Ғозғон шаҳарлари ҳамда Кармана, Хатирчи, Қизилтепа, Конимех тумани ҳокимликлари ахборот хизмати раҳбарларига хизмат автомашинаси ажратилмаганлиги, Навоий, Ғозғон шаҳарлари ва Кармана, Конимех, Навбаҳор, Хатирчи, Томди туман ҳокимликлари ахборот хизмат раҳбарлари эса замонавий моддий-техника воситалари (*телевизор, фото ва видео ёзиб олиш воситалари, юқори тезликдаги интернетдан фойдаланиш имконияти, зарур дастурий маҳсулотлар*) билан таъминланмаганлиги ҳамда қарор билан ахборот хизматлари ходимларига меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ойлик устама тўлаш белгиланган бўлсада, Қизилтепа тумани матбуот котибига 30 фоиз устама тўланиб келинаётганлиги ва Нурота, Томди туманлари матбуот котибларига шу пайтгача устамалар тўланмаганлиги масъулларга кўрсатиб ўтилди.

Кун тартибида шунингдек, Республика ишчи гуруҳининг жорий йил 30-31 май кунлари Кармана туманида аҳоли муаммоларини ҳал қилиш, “маҳалла еттилиги” ҳамкорлигини таъминлаш, ёшлар билан ишлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорларнинг муаммоларини эшитиш ва ҳал этиш йўналишларида **“Сайхунобод ва Уйчи туманлари тажрибаси”**ни жорий этиш бўйича ўрганиш натижалари ўқиб эшиттирилди.

Кармана тумани сектор раҳбарларига кўрсатиб ўтилган камчиликлар ижросини таъминлаб (ўнг-чап кўринишида) беш кун муддатда вилоят ҳоқимига тақдимот қилиш вазифаси юклатилди.

Йўл қўйилган камчиликлардан келиб чиқиб, барча даражадаги раҳбарларга тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Ижро интизомини мустаҳкамлаш ҳамда кун тартибидаги масалалар юзасидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда мутасаддиларнинг ҳисоботларини инобатга олиб, йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Вилоят ҳоқимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи (Авезов):

2024 йил 3 июнь куни ўтказилган “Ҳоқим соати” йиғилишида сабабсиз иштирок этмаган Ипакчилик ва жун саноати ривожлантириш қўмитасининг вилоят бошқармаси бошлиғи **Т.Адизов**, Агроинспекциянинг Навоий вилояти бошқармаси бошлиғи в.в.б. **Ф.Убайдуллаев** ва Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги НС ваЭБ бошлиғи **Ж.Назаровдан “Тушунтириш хатлари”ни олсин;**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йилнинг 25 ноябрида Навоий вилоятига ташрифи яқунлари бўйича тасдиқланган 77-сонли йиғилиш баёни билан тасдиқланган “йўл харитаси”нинг 7-банди топшириқлари муддати ўтиб кетган бўлсада, топшириқ ижроси таъминланмаганлиги учун Қизилтепа тумани ҳоқими **Б.Бобомуродов** ва ҳоқимнинг биринчи ўринбосари **Н.Ҳайитовдан “Тушунтириш хатлари”ни олсин.**

Улар тушунтириш хатида тумандаги “Чорвачилик микромаркази”ни кечикиш сабаблари, қачон ишга тушиши, ташаббускорларни шакллантириш, лойиҳаларни инфратузилма билан таъминлаш масалалари бўйича батафсил ёзиб берсин;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 июлдаги “Жамоат транспорти тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 316-сонли қарорининг муддати ўтган бўлсада, ижроси таъминланмаганлиги учун вилоят ҳоқими ўринбосари **Э.Камолов** ва вилоят транспорт бошқармаси бошлиғи **Б.Рахимовдан “Тушунтириш хатлари”ни олсин.**

Вилоят ҳоқими ўринбосари (**Камолов**) ушбу топшириқ ижроси билан шахсан шуғулланиб, **бир ҳафта муддатда “edo.gov.uz”** платформасидан назоратдан ечилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2024 йил 29 март куни ўтказилган 22-сонли йиғилиш баёни 25-бандида берилган топшириқ муддати ўтган бўлсада, ижроси таъминланмаганлиги учун вилоят ҳоқими ўринбосари **Э.Ғаффоровдан “Тушунтириш хати”ни олсин.**

Вилоят ҳокими ўринбосари (**Ғаффоров**) ушбу топшириқ ижроси билан шахсан шуғулланиб, **бир ҳафта муддатда** “edo.ijro.uz” платформасидан назоратдан ечилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2024 йил 20 февраль куни ўтказилган 12-сонли йиғилиш баёни 54-бандида берилган топшириқ муддати ўтган бўлсада, ижроси таъминланмаганлиги учун Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг вилоят бошқармаси бошлиғи **Қ.Ражабовдан “Тушунтириш хати”ни** олсин.

Вилоят ҳокими ўринбосари (**Ходжаев**) ва Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг вилоят бошқармаси (**Ражабов**) ушбу топшириқ ижросини охирига етказиб, **бир ҳафта муддатда** “edo.ijro.uz” платформасидан назоратдан ечилишини таъминласин.

2. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**) ҳар ҳафта **жума куни** вилоят ҳокими ўринбосарлари, таркибий бўлинма раҳбарлари ва тегишли ташкилот раҳбарлари билан биргаликда ижро интизомини мустаҳкамлаш, edo.ijro.uz электрон тизими орқали келиб тушган назоратдаги ҳужжатлар ижросини муҳокама қилиб, зарурий чора-тадбирлар кўриб борсин.

Амалга оширилаётган ишлар тўғрисида **ҳар ҳафтанинг шанба куни** вилоят ҳокимига Ижро интизоми назорати бўлими (**Намозов**) билан биргаликда ҳисобот киритиб борсин.

3. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**) вилоят ҳокими ўринбосарлари ва Навбаҳор тумани ҳокими (**Ўроқов**) билан биргаликда Нурота туманига олиб борувчи Навбаҳор тумани “Мирзо Улуғбек” МФЙ ҳудудида аҳоли ва туристларнинг дам олишлари учун қулайликлар яратиш мақсадида, кичик туристик уйлар (беседка, кемпинг) ташкил этиш масаласи билан шуғулланиб, **бир ҳафта муддатда** натижаси бўйича вилоят ҳокимига ахборот киритсин.

4. Сектор раҳбарларининг аҳоли мурожаатлари билан ишлаш аҳволи қониқарсиз эканлиги, кўтарилаётган масалаларни ўз вақтида ҳал этилмаётганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал ва халқ қабулхоналарига келиб тушган мурожаатларни ижобий ҳал этиш даражаси **Зарафшон** шаҳрида 29 фоизни, **Навоий шаҳар** ва **Хатирчи** туманида 32 фоизни, **Навбаҳор** ҳамда **Томди** туманида 36 фоизни ташкил қилганлиги, мурожаатлар сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **Навоий**, **Зарафшон** шаҳри ва **Кармана** туманларида 9 фоизга, **Ғозгон** шаҳар ва **Қизилтепа**, **Нурота** ҳамда **Учқудуқ** туманларида 8 фоизга ошганлиги кўрсатиб ўтилсин.

Юқорида номлари келтирилган ҳудуд раҳбарлари ва сектор раҳбарлари бундай ҳолатдан **жиддий хулоса қилиб**, мурожаатлар билан ишлаш бўйича ёндашувни ўзгартириш, кўтарилаётган масалаларни ижобий ечимини топиш

чораларини кўриш, фуқаролар билан номига учрашмасдан, муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш бўйича зарурий чора-тадбирлар кўриб борсин.

Амалга оширилган ишлар натижаси бўйича **ўн беш кунлик муддатда** вилоят ҳокимлигига маълумот тақдим этилсин.

5. Вилоят ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**) Навбаҳор тумани “Навбаҳор” маҳалласида яшовчи фуқаро Д.Нишонова ва Навоий шаҳри “Мустақиллик” маҳалласи И.Каримов кўчаси 150-уй, 41-хонадонда яшовчи фуқаро Д.Юсупованинг мурожаатига ўз вақтида жавоб қайтарилмаганлиги, ижро интизомига риоя этилмаганлиги учун Ёшлар ишлари агентлигининг Навбаҳор тумани бўлими бошлиғи **З.Абдиев** ва Навоий шаҳар камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими бошлиғи **О.Рахматовдан “Тушунтириш хатлари”ни** олсин.

Ёшлар ишлари агентлигининг вилоят бошқармаси (**Бахромов**) **уч кун муддатда** Навбаҳор туман “Навбаҳор” маҳалласида яшовчи фуқаро Д.Нишонованинг ҳамда вилоят камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси (**Хайруллаев**) **уч кун муддатда** Навоий шаҳар “Мустақиллик” маҳалласи И.Каримов кўчаси 150-уй, 41-хонадонда яшовчи фуқаро Д.Юсупованинг мурожаатларини ўрганиб, натижаси тўғрисида мурожаат муаллифи ва вилоят ҳокимлигига ёзма маълумот тақдим этсин.

Назорати **Қ.Абдуазизовга**.

6. Навоий шаҳар ҳокимлиги (**Эргашев**) **уч кун муддатда** Навоий шаҳар “Турон” МФЙ Меъморлар кўчаси 31-уй 121-хонадонда яшовчи Ж.Сатторовнинг уй олди йўлини таъмирлаш (труба ўтказилганлиги натижасида йўл яроқсиз ҳолга келган) масаласида қилган мурожаатини ҳал қилиб, натижаси бўйича мурожаат муаллифи ва вилоят ҳокимлигига ёзма маълумот тақдим этсин.

7. Нурота тумани ҳокимлиги (**Файзиев**) **беш кун муддатда** Нурота тумани “Мустақиллик” МФЙда яшовчи Ш.Жалоловнинг қизи Мустафоева Зухрани даволаш учун амалий ёрдам сўраб ёзган мурожаатини ҳал қилиб, натижаси бўйича мурожаат муаллифи ва вилоят ҳокимлигига ёзма маълумот тақдим этсин.

8. Шаҳар ва туман ҳокимликлари, сектор раҳбарлари, вилоят ташкилот ва муассаса раҳбарларининг аҳолининг ижтимоий фаровонлигини яхшилаш, фуқаролар мурожаатлари билан шуғулланиш ва жамоатчилик билан ишлаш борасида олиб бораётган ишлари қониқарсиз эканлиги;

Навоий (**Эргашев**), Зарафшон (**Раҳманов**) шаҳарлари, Хатирчи (**Адизов**), Учқудуқ (**Ҳамроев**), Кармана (**Адизов**) туманларида аҳоли мурожаатлари ва фуқароларнинг муаммоларини жойларда ҳал этиш бўйича олиб бораётган ишлари қониқарсиз эканлиги сабабли ушбу ҳудудлардаги аҳоли томонидан такрорий мурожаатлар кўпайганлиги;

Ғозғон, Зарафшон шаҳарлари ва Хатирчи тумани 1-сектор раҳбарлари (**Бозоров, Раҳмонов, Адизов**), Зарафшон шаҳри, Томди ва Кармана

туманлари 2-сектор раҳбарлари (**Шерназаров, Қурбонов, Барнаев**), Навоий, Зарафшон шаҳарлари ва Томди туманлари 3-сектор раҳбарлари (**Бердиев, Яҳёев, Икромов**) ҳамда Ғозғон шаҳри, Томди ва Қизилтепа туманлари 4-сектор раҳбарларининг (**Рамазонова, Усмонов, Муродов**) аҳоли мурожаатлари ва жамоатчилик шикоятлари билан ишлаш аҳволи ёмон эканлиги **кўрсатиб ўтилсин**.

9. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**), Ахборот-таҳлил гуруҳи (**Бобомуродов**) **бир кун муддатда** вилоятда аҳолининг ижтимоий фаровонлигини яхшилаш ҳамда фуқаролар томонидан кўтарилаётган ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш юзасидан **“Йўл харитаси”** ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун киритсин.

10. Вилоят ҳокими ўринбосари (**Ходжаев**) Ёшлар ишлари агентлигининг вилоят бошқармаси (**Баҳромов**), вилоят мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси (**Ҳайитова**), вилоят олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси (**Тўхтаев**), вилоят ички ишлар бошқармаси (**Тасбаев**) билан биргаликда **бир кун муддатда** ёшлар ўртасида криминоген вазиятни таҳлил қилиб, келиб чиқиш сабабларини барвақт олдини олиш бўйича **“Чоратадбирлар режаси”**ни ишлаб чиқсин.

11. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**) вилоят камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси (**Хайруллаев**) билан биргаликда **бир кун муддатда** Навоий шаҳар, Хатирчи ва Қизилтепа туманларидаги вазиятни ўрганиб, аҳоли бандлигини таъминлаш муаммоларини ҳал этиш бўйича **“Манзилли дастур”** ишлаб чиқсин.

12. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**) вилоят Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (**Бобоқулов**), Марказий банк бош бошқармаси (**Пардаев**), вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси (**Хайруллаев**) билан биргаликда аҳолини ипотека кредитлаш муаммолари юзасидан шикоятларини ўрганиб, уларни ҳал этиш бўйича амалий таклифларни вилоят ҳокими ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Вилоят ҳокимлиги мурожаатлар билан ишлаш бўлими (**Абдуазизов**), Ўзбекистон Республикаси Президентнинг вилоятдаги Халқ қабулхонаси (**Қувондиқов**):

бир кун муддатда такрорий ва жамоавий мурожаатлар кўп бўлган маҳаллаларни ўрганиш бўйича **Ишчи гуруҳи** ташкил этиб, уларнинг асосий вазифаларини ҳамда жойларга чиқиш графигини белгилаб берсин;

ишчи гуруҳи томонидан мурожаатларни кўпайиш сабаблари ва омилларини аниқлаб, мурожаатларни даражасига қараб, маҳалла, туман (шаҳар) ва вилоят даражасига ажратиш ҳамда сектор раҳбарлари ва масъулларга етказсин.

Сектор раҳбарлари такрорий ва жамоавий мурожаат қилувчилар билан индивидуал шуғулланиб, уларнинг масалаларини қонунчилик доирасида ҳал этилишини таъминласин.

14. Зарафшон шаҳар ҳокими **Н.Раҳманов** уч кун муддатда ишчи гуруҳи тузиб, “Наврўз” маҳалласидаги кўчаларда ўрнатиладиган чироқларга талабни ўрганиб, **ўн кун муддатда** талабдан келиб чиқиб, кўча чироқлари ўрнатилишини таъминласин.

15. Кармана тумани ҳокими **В.Адизов** бир ҳафта муддатда тумандаги 30-сонли мактабни ичимлик суви билан барқарор таъминлаш мақсадида, ичимлик сувини сақлайдиган сув идиши (емкость) билан таъминлаб, натижаси бўйича вилоят ҳокимлиги (Ходжаев)га маълумот тақдим этсин.

16. Давлат активларини бошқариш агентлигининг вилоят бошқармаси (**Атажанов**), Хатирчи туман ҳокимлиги (**Адизов**) **бир ҳафта муддатда** Хатирчи тумани “Авоқли” маҳалласидаги ҳозирда бўш турган (*аввал “Хатирчи пахта тозалаш заводи” АЖга тегишли бўлган*) бино ҳолати ва кимга тегишли эканлигини ўрганиб, аҳоли талабидан келиб чиққан ҳолда мазкур бинодан самарали фойдаланиш юзасидан таклиф киритсин.

17. Вилоят ички ишлар бошқармаси (**Тасбаев**) сектор раҳбарлари ва тегишли масъуллар билан биргаликда ҳудудларда жинойтчиликни олдини олиш бўйича тарғибот ишларини кучайтириб, содир этилган жинойтлар бўйича кенг жамоатчилик иштирокида муҳокамалар ўтказиб борилишини назоратга олсин.

18. Вилоят ҳокими ўринбосари (**Камолов**) “Навоий сув таъминоти” МЧЖ (**Зарипов**) ва туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда:

бир ҳафта муддатда ҳудудларда (айниқса Навоий шаҳри, Томди, Учқудуқ, Қизилтепа туманлари) ичимлик суви билан таъминлаш масаласи бўйича Халқ қабулхоналарига қилинган мурожаатларни чуқур ўрганиб, **ўн беш кун муддатда** аниқланган камчиликларни бартараф этсин;

Хатирчи ва Нурота туманларидаги марказлашган ичимлик сув таъминоти паст бўлган маҳаллаларни ўрганиб, 2025 йилги ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритиш чорасини кўрсин.

19. Вилоят ҳокими ўринбосарлари (**Сулаймонов, Камолов**), вилоят иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (**Бобоқулов**), Марказий банк вилоят бош бошқармаси (**Пардаев**), туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда аҳолининг Президентнинг виртуал ва халқ қабулхоналарига қилган мурожаатларини камайтириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 апрелдаги ПФ-70-сон Фармони асосида аҳолига ипотека кредитлари ажратилиши тўғрисида тарғибот ва тушунтириш ишларини олиб борилишини ташкиллаштириб, натижаси бўйича ахборот бериб борсин.

20. Вилоят ҳокими ўринбосари (**Камолов**), вилоят иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (**Бобоқулов**), Марказий банк вилоят бош бошқармаси (**Пардаев**), Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги вилоят бошқармаси (**Мамаражабов**), вилоят телерадиокомпанияси (**Султонов**),

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг вилоят бошқармаси (**Алиев**), туман (шаҳар) ҳокимликлари **бир ҳафта муддатда** жорий йилда вилоятда қурилаётган янги уй-жойлар (58 та 4 минг хонадонли), уй-жой учун ажратилаётган субсидия ва кредит маблағлари тўғрисида аҳолига ОАВ, ижтимоий тармоқлар ҳамда маҳаллалар орқали етарлича маълумот берилишини ташкил қилсин.

21. “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ Навоий филиали (**Исломов**) жойларда электр энергиясидаги авария ҳолатлари ва узилишлар ҳақида хабар берувчи диспетчерлик фаолиятини самарали ишлашини ташкил этиб, аниқланган авария ҳолатлари ва узилишларни тезкорлик билан ҳал этиш бўйича авария захираларини яратсин. Назорати **Э.Камоловга**.

22. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**), вилоят камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси (**Хайруллаев**), вилоят сектор раҳбарлари (**Мирзаев, Тасбаев, Назаров**), туман (шаҳар) ҳокимларига аҳолини бандлик бўйича мурожаатларини камайтириш, ишсизликни олдини олиш мақсадида:

2024 йилда бандлик дастурига мувофиқ 136,7 минг нафар аҳолининг бандлигини таъминлаш режасини **ойма-ой бажарилишини** таъминлаш;

вилоятни **“Ишсизликдан ҳоли ҳудуд”га** айлантириш бўйича берилган топшириқлар ижросини тўлиқ ва ҳаққоний таъминлаш;

ишсизлик юқори бўлган ҳудудларга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, бандлик масаласи бўйича мурожаатлар билан **алоҳида шуғулланиш**;

ҳудудий инвестиция дастурлари, хизматлар, қишлоқ хўжалиги тармоқларидаги лойиҳаларни ишга тушириш, янги кичик бизнес субъектларини ташкил этиш ва бошқа имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича **манзилли ишларни** ташкиллаштириш;

бўш иш ўринларига ишга жойлаштириш ҳамда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиш бўйича **меҳнат ярмаркаларини** ташкил этиб бориш;

банд бўлмаган шахслар ва ёшларни амалий мономарказ, давлат ва нодавлат таълим муассасаларида касб-ҳунар, хорижий тиллар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш орқали уларнинг бандлигига кўмаклашиш вазифалари топширилсин.

23. Вилоят ҳокими ўринбосари (**Ходжаев**):

бир кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 майдаги 345-сонли фармойишига асосан, жорий йил июнь ойида **“Ёшлар ойлиги”**ни ўтказиш, унинг доирасида **“Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!”** шиори остида маънавий-маърифий ва спорт тадбирлари, ёшлар фестиваллари ва форумларини **“маҳалла-туман (шаҳар)-вилоят-республика”** даражасида ташкил этиш тўғрисидаги топшириқларни барча даражадаги масъулларга ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликларига етказилишини;

жорий йил июнь ойида “Ёшлар ойлиги”ни ўтказиш, унинг доирасида “Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!” шиори остида вилоятда ёшлар сайиллари ва маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш бўйича чоратадбирлар дастурини ишлаб чиқиб, тасдиқланишини;

вилоят ҳамда туман (шаҳар) ҳокимларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари бошчилигида “Ёшлар ойлиги”ни ўтказиш юзасидан штаблар фаолияти йўлга қўйилишини таъминласин.

24. Вилоят штаби (Ходжаев) уч кун муддатда туман (шаҳар) ҳокимлари билан келишган ҳолда ҳудудларда ўтказиладиган асосий йирик гала-концерт ва фестиваллар ўтказиш жойлари графигини тасдиқласин ҳамда ҳар бир ўтказиладиган тадбирларга ва туман (шаҳар)га масъул раҳбарларни бириктирсин.

25. Навоий шаҳар (Эргашев) 13 июнь куни, Зарафшон шаҳар (Раҳманов) ва Навбаҳор тумани (Ўроқов) 14 июнь куни, Қизилтепа тумани (Бобомуродов), Хатирчи тумани (Адизов) ва Нурота тумани (Файзиев) 15 июнь куни бўлиб ўтадиган вилоят даражасида ўтказиладиган ёшлар фестивалларини юқори савияда, кўтаринки кайфиятда ўтказилишига шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

26. “Ёшлар ойлиги” доирасида вилоятда ўтказиладиган ҳафталиклар доирасида:

вилоят камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси (**Хайруллаев**), Савдо саноат палатаси вилоят бошқармаси (**Омонбоева**), “Ёшлар-келажагимиз” жамғармаси вилоят бўлими (**Мардиев**) **“Тадбиркорлик ва касб-ҳунар”** ҳафталиги тадбирларини;

вилоят олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси (**Тўхтаев**), олий таълим муассасалари (**Собиров, Мардонов**), Рақамли технологиялар вазирлиги вилоят шуъбаси (**Буранов**) **“Илм-фан ва инновациялар”** ҳафталиги тадбирларини;

вилоят мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси (**Ҳайитова**), Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси (**Баҳромов**), вилоят Маънавият ва маърифат бўлими (**Муқимов**), Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими (**Садриддинов**) **“Таълим ва китобхонлик”** ҳафталиги тадбирларини;

вилоят маданият бошқармаси (**Ниёзов**), Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими (**Садриддинов**) **“Маданият, санъат ва ижод”** ҳафталиги тадбирларини алоҳида режа асосида юқори савияда ташкил этилишини таъминласинлар.

27. Вилоят ҳокими ўринбосарлари (Ходжаев, Мирзаев), Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси (Баҳромов), Спорт бошқармаси (Муртозоев), вилоят камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси (Хайруллаев), вилоят маданият бошқармаси (Ниёзов), вилоят олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси (Тўхтаев), вилоят мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси (Ҳайитова), Маънавият ва маърифат бўлими

(Муқимов), Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими (Садриддинов), олий таълим муассасалари, шаҳар ва туман ҳокимлари ойлик доирасида “**Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик**” шиори остида ёшлар сайиллари ва маънавий-маърифий тадбирларни “**маҳалла – туман (шаҳар) – вилоят**” даражасида ташкил этиш масалаларига шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

Бунда, ўтказиладиган тадбирлар, сайил, мусобақа ва танловлар олис ҳудудлардаги ҳар бир ёшгача етиб бориши кераклигига, у ердаги ёшлар ҳам мамлакатимизда ёшлар ойлиги нишонланаётганлигини ҳис қилишларига эътибор қаратсин.

28. Вилоят ҳокими ўринбосари (**Ходжаев**) Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси (**Бахромов**), Навоий шаҳар ҳокими (**Эргашев**) билан биргаликда **ўн кун муддатда** жорий йилнинг **30 июнь** – “**Ёшлар куни**” байрам тадбирларини ўтказиш жойи ва сценарийси юзасидан таклиф киритсин.

Навоий шаҳар ҳокими (**Эргашев**) байрам тадбирларини юқори савияда ташкил этиш, шаҳарнинг марказий кўчаларида тадбирларга оид реклама баннерларини жойлаштириш ва кенг тарғиб этиш ҳамда доимий ободонлаштириш ва тозалаш ишларини олиб борилишини таъминласин.

29. Вилоят иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (**Бобоқулов**) туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда **беш кун муддатда** “Ёшлар ойлиги” доирасида вилоят, туман (шаҳар) марказларида ташкил этиладиган тадбирлар, мусобақа, танлов ва лойиҳаларни ўтказиш (*экран, баннер, чироқ, сахна, овоз кучайтириш мосламалари, мушакбозлик, режиссёр ва рақс гуруҳлари, маҳаллий санъаткорларни жалб қилиш, фаол ёшларни рағбатлантириш, турли танловлар ғолибларини тақдирлаш ва бошқа техник ташкилий масалалар*) учун вилоят ташкилий қўмитаси талаби ва ишлаб чиқилган сарф-харажатлар сметасига мувофиқ маблағ ажратилишини таъминласин.

30. Вилоят маданият бошқармаси (**Ниёзов**) “Ёшлар ойлиги” доирасида вилоят маркази ва туман (шаҳар)ларда ўтказиладиган якуний галаконцерт ва тақдирлаш маросимлари дастурини ишлаб чиқсин ва дастур асосида бошловчилар, таниқли санъат усталари, эстрада хонандалари, ёш ижрочилар ҳамда рақс гуруҳлари жалб этилишини, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган фильмлар рўйхатини шакллантириб, туман (шаҳар)ларда намойиш этилишини таъминласин.

31. Вилоят олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси (**Тўхтаев**), вилоят мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси (**Ҳайитова**), олий таълим муассасалари (**Собиров, Мардонов**) ёш илм-фан намояндалари, иқтидорли ўқувчи ва талаба ёшлар, шунингдек, таълим муассасалари битирувчилари, уюлмаган ёшларни тадбирларга жалб қилиш чораларини кўрсин.

32. Вилоят спорт бошқармаси (**Муртозоев**), спорт федерациялари билан биргаликда ёшлар фестивали ва форумлар бўлиб ўтадиган жойларда ёшлар ўртасида спорт тадбирлари, сектор раҳбари кубоги мусобақалари, кўргазмали чиқишлар ташкил этган ҳолда тадбирларда таниқли спортчилар иштирокини таъминласин.

33. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси вилоят бошқармаси (**Алиев**), Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси (**Бахромов**), вилоят оила ва хотин-қизлар бошқармаси (**Мамадиярова**) тадбирларга чекка қишлоқ ва маҳаллаларда истиқомат қилаётган ёшларни, биринчи навбатда “Ёшлар дафтари”га киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож, ишсиз ёшлар, “Аёллар дафтари”га киритилган аёллар ва “Темир дафтар”даги оилалар фарзандларини жалб этсин.

34. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги вилоят бошқармаси (**Мамаражабов**), Маънавият ва маърифат бўлими (**Муқимов**), “Тасвирий ойна” (**Махмудов**), Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими (**Садриддинов**) тадбирлар ўтадиган жойларда сўнгги йилларда эришилган ютуқларни акс эттирувчи, кўргазмали панно ва баннерлар, ташқи тарғибот воситалари билан безаш, китоб савдо-ярмаркаларини ташкил этиш чораларини кўрсин.

Туман (шаҳар) ҳокимлари ушбу тадбирлар учун сарф-харажатларни шаҳар, туман маҳаллий бюджетининг орттириб бажарилган қисми ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қоплаб беришни ташкил этсин.

35. Вилоятдаги йирик ишлаб чиқариш корхоналар, ташкилот ва бошқармалар тизимида “Ёшлар ойлиги” доирасида тадбирларни юқори савияда ташкил этиш, “Ёшлар куни” байрамини кенг нишонлаш, биринчи навбатда ўзларининг тизимидаги ҳамда соҳасига алоқадор ёшлар билан учрашувлар, ёшлар форумларини ташкил этсинлар.

Вилоят ҳокими ўринбосари (**Ходжаев**), Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси (**Бахромов**) **икки кун муддатда** бу борада алоҳида график тайёрлаб тасдиқлаш учун киритсин.

36. Туман (шаҳар) ҳокимлари:

ҳар бир маҳалла, туман (шаҳар)ларда алоҳида режа-жадвал асосида маданий-маърифий ва кўнгилочар тадбирлар, концерт дастурларини юқори савияда ташкил этилишини ҳамда туман (шаҳар)лардаги фаол ёшларнинг 30 июнь куни Навоий шаҳрида ўтказиладиган якуний тадбирларда видеоалоқа орқали иштирок этишини ва тадбир ўтказиладиган жойларнинг байрамона безатилиши таъминлансин;

вилоят штаби томонидан тақдим этиладиган тарғибот материалларини (*махсус видеороликлар, тарғибот баннерлари ва бошқа ташқи тарғибот воситаларининг шакллари*) барча туман (шаҳар)ларда намойиш этиш ва ўрнатиш юзасидан зарур чораларни кўрсин.

37. Вилоят ҳокими ўринбосари (Камолов):

Рақамли технологиялар вазирлиги вилоят шуъбаси (**Буронов**) “Ўзбектелеком” АЖ Навоий филиали (**Джураев**) билан биргаликда “Ёшлар ойлиги” давомида ўтказиладиган тадбирлар, яқуний мулоқот давомида ҳудудий ва туман (шаҳар) студиялари орқали тўғридан-тўғри видео алоқалар ўрнатиш, алоқаларнинг сифатли ташкил этилишини таъминлаш;

“Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ Навоий филиали (**Исломов**) билан биргаликда “Ёшлар ойлиги” доирасида тадбирлар ўтказиладиган объектлар ҳудудига олиб келувчи ва ҳудуддаги ташқи электр таъминоти ва узатгичларни тафтишдан ўтказсин, тадбир вақти электр қуввати тўлиқ ва мунтазам ишлаб туришини таъминлаш ишларини шахсан ўз назоратига олсин.

38. Вилоят ички ишлар бошқармаси (Тасбаев), Миллий гвардия вилоят бошқармаси (Тоиров), вилоят мудофаа ишлари бошқармаси (Муйдинов), вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси (Абраматов):

барча вилоят, туман (шаҳар)лардаги тадбирларда ҳарбий ансамбль, оркестр ва ҳарбий хизматчиларнинг кўргазмали чиқишларини ташкил этиш;

“Ёшлар ойлиги” доирасида тадбирларда жамоат тартибини сақлаш, хавфсизликни таъминлаш, ёнғин хавфсизлигига риоя қилиш ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

39. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси (Сафоев):

“Ёшлар ойлиги” доирасида тадбирлар ўтадиган жойларда тиббий хизмат навбатчилигини ташкил этиш;

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати вилоят бошқармаси (**Азимов**) билан биргаликда тадбирлар давомида жойларда тайёрланган озиқ-овқат ва бошқа турдаги маҳсулотлар сифатини ва санитария-гигиена талабларига риоя этилишини шахсан назоратга олсин.

40. Вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати (Раубаева) вилоят телерадиокомпанияси (Султонов), Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги вилоят бошқармаси (Мамаражабов) ва бошқа оммавий ахборот воситалари билан биргаликда:

тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга ошириладиган ишларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш;

тадбирлар реклама роликларини телеканалларда беғараз намойиш этиш, мақолаларни чоп этиш, кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрлаш, интернет тармоқларига жойлаштириш ҳамда тўғридан-тўғри эфирга узатиб боришни таъминлаш тавсия этилсин.

41. Вилоят ҳокими ўринбосари (Ходжаев) Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси (Бахромов) билан биргаликда “Ёшлар ойлиги” доирасида амалга ошириладиган тадбирларда тўғрисида вилоят ҳокимига ахборот киритиб борсин.

42. Туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан жорий йилнинг январь-май ойларида экспорт прогнозни бажариши бўйича олиб бораётган ишлари қониқарсиз эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

43. Вилоят ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**) жорий йилга белгиланган экспорт режаси ижросини таъминлашда энг орқада эканлиги ва бу борада зарурий чора-тадбирлар кўрилмаганлиги ҳамда ишда йўл қўйган камчиликлари учун Зарафшон шаҳар ҳокимининг инвестиция масалалари бўйича ўринбосари **Ж.Норбутаевдан** **“Тушунтириш хати”** олинсин.

44. Зарафшон, Навоий шаҳарлари, Навбахор, Кармана, Хатирчи ва Нурота туманлари ҳокимлари ҳамда уларнинг инвестиция бўйича ўринбосарлари ва сектор раҳбарлари январь-май экспорт прогнозини бажаришда қолақликларга йўл қўйганлиги сабабли қатъий огоҳлантирилсин.

Навоий шаҳар (**Эргашев**), Зарафшон шаҳар (**Раҳманов**) ҳамда Навбахор (**Ўроқов**), Кармана (**Адизов**), Хатирчи (**Адизов**) ва Нурота (**Файзиев**) туманлари ҳокимлари экспорт прогнозини бажаришда йўл қўйган қолақликларни бартараф этиш бўйича **бир кун муддатда “тушунтириш хати”ни** ёзиб берсин.

Назорати **Э.Авезовга**.

Биринчи ярим йиллик якуни билан экспорт режасини таъминлашда қолақликка йўл қўйган масъулларга нисбатан лавозимга лойиқлик масаласи кўриб чиқилиши белгилаб қўйилсин.

45. Туман (шаҳар) сектор раҳбарлари **бир кун муддатда** жорий йилни 5 ойлигида йўл қўйилган қолақликни инobatга олган ҳолда, биринчи ярим йиллик якуни билан қолақликни тўлиқ бартараф этиш тўғрисида **кафолат хати** ҳамда йўл қўйилган қолақликларини июнь ойи прогнозига қўшиб бажариш бўйича секторлар ва корхоналар кесимида кунлик экспортга ортиш графикларини (*нагоночный график*) ишлаб чиқиб, тасдиқлаб вилоят ҳокимлигига киритсин.

Назорат **Э.Ғаффоровга**.

46. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2024 йил 24 майдаги 01-587-сонли ҳисоботи маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**), вилоят иқтисодиёт ва молия бошқармаси (**Бобоқулов**):

бир кун муддатда ҳисоботда кўрсатиб ўтилган камчиликлар бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун киритсин;

ўн беш кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаб, кўрилган чоралар натижадорлиги бўйича маълумот киритсин.

47. Вилоят солиқ бошқармаси (**Назаров**) туман (шаҳар) солиқ инспекциялари билан чорақлар бўйича даромадлар прогнозини ортиқча тўловлар ҳисобига бажарилишининг олдини олиш ҳамда келгусида мазкур

ҳолатга йўл қўйган масъулларга нисбатан чоралар кўриб бориши бўйича расман огоҳлантирилсин.

48. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва “Ишсизликдан ҳоли ҳудуд”га айлантириш бўйича маҳаллаларга бириктирилган масъуллар ҳамда сектор раҳбарлар томонидан ҳудудларга борган ҳолда, олиб бораётган ишлари етарли ташкил этилмаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

49. АТ “Ипак йўли банк” вилоят филиали (**Сиддиқов**) ўзига бириктирилган Навоий шаҳар “Ишонч” маҳалласига бормасдан ишларни етарли ташкил қилмаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

50. Аҳоли бандлигини таъминлаш, “Ишсизликдан ҳоли ҳудуд”га айлантириш бўйича вилоят Штаби (**Ҳамроев**) **бир кун муддатда** маҳаллаларга бириктирилган ташкилот раҳбарларини бириктирилган маҳалласи бўйича, комплекслар кесимида тақсимлаб, ҳар бир комплекс раҳбарига етказилишини таъминласин.

51. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**):

маҳаллаларга бириктирилган ташкилот раҳбарларининг аҳоли бандлигини таъминлаш, “Ишсизликдан ҳоли ҳудуд”га айлантириш бўйича телеграм гуруҳига қўшилишини таъминласин;

аҳоли бандлигини таъминлаш, “Ишсизликдан ҳоли ҳудуд”га айлантириш бўйича вилоят Штаби (**Ҳамроев**) билан биргаликда маҳаллаларга бириктирилган ташкилот раҳбарлари томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида кунлик маълумот киритиб борсин.

52. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (**Сулаймонов, Камолов, Ғаффоров, Ҳикматов, Ходжаев, Мирзаев**) вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати (**Раубаева**) билан ҳамкорликда **уч кун муддатда** ўз йўналишида брифинг бериб, ҳокимликнинг ижтимоий тармоқларидаги расмий саҳифаларида ёритилишини таъминласин.

53. Вилоят ҳокими ўринбосарлари, таркибий бўлинма раҳбарлари, туман (шаҳар) ҳокимлари, корхона (ташкилот) раҳбарлари **бир ҳафта муддатда** 2024 йил 30 январда вилоят ҳокими томонидан тасдиқланган (№17-05-65) медиа-режага асосан барча пресс-тадбирларни ўтказиб, натижаси бўйича вилоят ҳокимига ахборот киритсин.

54. Туман ва шаҳар ҳокимлари Учқудуқ тумани мисолида намунали матбуот хизматини ташкил этиш чораларини кўриб, натижаси бўйича ахборот киритсин.

55. Вилоят ҳокимлиги Ахборот-таҳлил гуруҳи (**Бобомуродов**) вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати (**Раубаева**) билан биргаликда навбатдаги аппарат йиғилишига берилган топшириқлар ижроси натижадорлиги бўйича ахборот киритсин.

56. Кармана тумани сектор раҳбарлари (**Адизов, Барнаев, Абдураимов, Шодиев**) аҳоли муаммоларини ҳал қилиш, “маҳалла еттилиги” ҳамкорлигини таъминлаш, ёшлар билан ишлаш, аҳоли бандлигини

таъминлаш, тадбиркорларнинг муаммоларини эшитиш ва ҳал этиш йўналишларида **“Сайхунобод ва Уйчи туманлари тажрибаси”**ни жорий этиш юзасидан Республика ишчи гуруҳининг ўрганиш натижалари бўйича кўрсатиб ўтилган камчиликлари ижро учун қабул қилинсин.

Беш кун муддатда кўрсатиб ўтилган ҳаб бир камчиликларни бартараф этилганлиги бўйича (ўнг-чап кўринишида) вилоят ҳокимига тақдимот қилиши белгилаб қўйилсин.

57. Мазкур йиғилиш баённомаси ижро назоратини ўз зиммамда қолдириб, мониторингини олиб бориш Ташкилий-кадрлар гуруҳи (Авезов), Ахборот-таҳлил гуруҳи (Бобомуродов) ва Ижро интизоми назорати бўлими (Намозов) зиммасига юклансин.

Баёнлаштирди



Ф.Эшбоев